
Қорақум маҳалласида сайёр қабул бўлиб ўтди

Қорақум маҳалласида олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари билан бир қаторда, ҳудуддаги аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бугун вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Мақсуджон Маматхонов, туман ҳоқими Халимжон Умаров ҳамда туман сектор раҳбарлари иштирокида “Сайёр қабул” ўтказилди.

Ўтказилган “Сайёр қабул” давомида ҳудуддаги фуқароларнинг мурожаатлари бирма-бир тингланди.

Келиб тушган мурожаатлар тегишли масъулларни жалб этган ҳолда жойида ижобий ҳал этилди.

Шунингдек муддат талаб қилган мурожаатларни қисқа муддатларда белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш ва ижобий ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

2023-09-27 16:44:55